

МАЛЛАРАНГ МАРМАР ҚАНДАЛА — ХАВФЛИ ҲАШАРОТ



2017 йилда малларанг мармар қандала Сочида фундук ёнғоғининг 50% ҳосилини йўқ қилишга сабаб бўлган. Мармар қандала Россия Федерациясида ўсимлик дунёсига зарар етказиш бўйича зараркунандалар орасида рейтингда биринчи ўринни эгаллади. “Россельхознадзор” бу жониворни 2017 йил Абхазиядан цитрус мевалар билан кириб келиши мумкин, дея огоҳлантирди. Март ойида эса Россияга бошқа давлатлардан ҳам кириб келиши ҳақида огоҳлантирди.

Малларанг мармар қандала ҳақиқий фалокатга айланди, у йўлида чиққан ўсимликни танлаб ўтирмасдан мевалилар, субтропик ўсимликлар, қуруқ мевалар, сабзавот ва донли экинлар шунингдек дуккакли экинларни ҳаммасини бир бошидан йўқ қилади, зарарлайди.

Россия Федерациясида малларанг мармар қандала туфайли 2017 йилда фундук ёнғоғи ҳосили 40-70%гача, шафтоли ва хурма ҳосили-50%гача, олма, мандарин ва узум ҳосили 30% миқдорида йўқотилган. Айниқса Абхазия Республикасида вазият

ниҳоятда кескинлашди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бошқа ҳудудларга чиқариш вақтинча тақиқлаб қўйилди. “Россельхознадзор” масъул ходимлари билан Республика маҳаллий раҳбарлари биргаликда тушунтириш ишлари олиб боришди. Қарши кураш бўйича маҳаллий аҳоли жалб қилиниб ҳар бир килограмм йиғиб топширилган ҳашарот учун 1000 рубль миқдорида пул тўланган, 2018 йилда 2 тонна ҳашарот йиғиб олинган. Абхазия Республикаси фермерлари, ҳар тарафлама рағбатлантирилиб турилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар махсус феромон тутқичлар, ушбу хавфли ҳашаротга қарши кураш бўйича услубий қўлланмалар билан таъминланди.

“Россельхознадзор” Россия Федерацияси ҳудудига ушбу хавфли заракуанда кириб тарқалишининг олдини олиш ва экспорт имкониятларини сақлаб қолиш мақсадида 2018 йил 2 апрелидан бошлаб Абхазиядан Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳатто картон қутилар ва ёғоч

қопламаларни ҳам олиб киришни вақтинчалик таъқиқлаб қўйди.

Тарқалиши: Зараркунанданинг ватани Жануби-шарқий Осиёдаги - Хитой, Япония, Корея яриморол давлатлари, Тайван ва Вьетнам ҳисобланади. Ушбу тур 1996 йилда бутун АҚШ ҳудудида тарқала бошлади ва 2014йилда АҚШнинг 34 та штатида ва Канаданинг жанубий провинциясида пайдо бўлди. 2007йилда Швейцарияда, 2010йилда эса Янги Зеландияда учраши ҳақида эълон қилинди. 2010 йилда Англияда АҚШдан учиб келган самолётнинг йўловчи бағажидан зараркунанданинг иккита имагоси топилган. 2014йилда Россия Федерациясининг Сочи шаҳри ҳудудида ҳам зараркунанданинг нимфалари топилди. 2015йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиянинг субтропик нам минтақаси Абхазия ҳудудида қандаланинг оммавий кўпайиши қайд этилди, бу эса 2016 йилда субтропик, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилининг жиддий йўқотишига олиб келди.

Зарари: Мармар қандаласи жуда ҳаммахўр бўлиб 49 та ботаник оилага мансуб 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига зарар етказади. Ёш личинкалар ва вояга етган қандала доим бир хил ўсимлик турлари билан озиқланади, кўпчилиги ёш боғлардаги мевалар ва ўсимликларни афзал кўради. Ҳашарот аҳоли хонадонларида қишлаб чиқиш пайтида инсонлар танасининг турли қисмларида тузалиши қийин бўлган яраларни ҳосил қилади.

Морфологияси: Танаси ноксимон, бироз яссилашган, 10-17 мм узунликда бўлади. Ранги жигаррангда, лекин танасининг юқори



қисми ва боши қорамтир ва оқиш тусда бўлади, бу эса ўз навбатида мармар рангини ҳосил қилади. Танасининг пастки қисми оқиш ёки оқиш-жигарранг рангда, баъзан эса кулранг ва қора доғлари мавжуд. *Brochymena* ва *Euschistus* турига нисбатан характерли жиҳати шундаки мўйловларида оқиш рангдаги узукка ўхшаш чизиклари борлигида. Оёқлари жигаррангда ҳамда оқ чизиклари ҳам мавжуд.

Биоэкологияси: Вояга етган қандада одамларнинг хонадонлари ва ҳар хил биноларда қишлаб қолади. Бу зараркунанда девор ёриқлари ва уларнинг туташган жойларидан уйлар ичига кириб олади, ўзига қулай ва иссиқроқ жойларда қишлаб чиқади. Шундай қилиб бир уйда бир неча минглаб ҳашаротлар тўпланиши ҳам мумкин. Эрта баҳорда иссиқлик манбаалари ўчирилганда қандалалар уйларнинг шифтига ёки ёруғлик лампаларнинг атрофида тўпланиб бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Ўзидан жуда бадбўй ҳид чиқаради.




Баҳорда урғочи қандада 1,3 ммдан 1,6 ммгача узунликда бўлган оқ рангли тухумларни қўя бошлайди. Одатда урғочи қандада барглarning орқа томонига 20-30 тадан тўп-тўп қилиб тухум қўяди. Тухумдан чиққан нимфалар бир

неча кун тухум қўйилган жойларда қолади.

Бу тур личинкалари ривожланиши беш фазадан иборат ва ҳар бир ёш личинкалари бири-бирига ўхшашдир. Биринчи ёшдаги нимфалар тўқ сариқ ёки қизил рангда бўлади. Иккинчи ёшдаги босқичда личинкаларнинг ранги тўқлашади, деярли қора рангда бўлади. Охириги ёшдаги личинкалар оқиш-жигарранг тусга эга

бўлади. Тўлиқ ривожланиш даври 35-45 кун давом этади. Россия ва Абхазиянинг намли субтропик иқлими шароитида бир йилда уч марта авлод бериб ривожланади. Биринчи авлоди май ойининг биринчи декадасидан (тухум қуйишдан) то июн ойининг иккинчи ва учинчи декадасигача давом этади. Иккинчи авлоди июн ойининг иккинчи ва учинчи декадасидан то август ойининг биринчи декадасигача давом этади. Учинчи авлоди август ойининг биринчи декадасидан то октябрь ойининг биринчи декадасигача давом этади. Шундан сўнг имаго яъни вояга етган қандада қишки диапаузага кетади.

Малларанг мармар қандада (*Halyomorpha halys* Stal.) Евроосиё иқтисодий комиссияси Кенгашининг 30.11.2016 йил №158-қарори билан тасдиқланган "Евроосиё иқтисодий иттифоқи карантин



объектларининг ягона рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 01.07.2017 куни кучга кирган рўйхатга киритилган.

Бу ҳашарот иссиқликни яхши кўради, ҳарорат 15дан 33 °C да ривожланади. 20-25°C да ривожланиши учун энг қулай ҳарорат ҳисобланади.

Ушбу ҳашарот биринчи бўлиб 1998 йилда Шарқий Осиё мамлакатларида пайдо бўлган. Шундан буён бу континент мармар қандаланинг ватани деб ҳисобланади. Бир неча йил ўтиб бу ҳашарот АҚШда ҳам экинларга жиддий зарар етказадиган бўлди. Бир йиллик келтирган зарари ушбу мамлакатда 33 млрд. долларни ташкил этгани учун бу ҳашаротни

баъзан америка қандаласи деб ҳам аташади.

Шунингдек у Жанубий-Шарқий Осиё, Туркия, Абхазия, Грузия ва Европада ҳам тарқалган. Бу ҳашарот жой танламайди, одамлар яшайдиган жойда, кўчада, чорва фермаларида, қушлар инида, омборхона ва ертўлаларда яшаб кўпайиши мумкин. Зах ерларда ҳам, иссиқ шароитда ҳам у ўзини яхши ҳис қилади, тез ривожланиб кўпаяди. Қишлаб чиққан очофат ҳашарот ўзига озиқа излаб биринчи галда ўсимликларнинг ёш новдаларини зарарлай бошлайди. Зараркунанда меваги дарахтлар ва цитрус экинларини кучли зарарлаб катта миқдорда иқтисодий талофат етказди.

Баҳор пайтларидан бошлаб у жадал ривожлана бошлайди ва экин майдонининг катта қисмини, ҳатто ҳосилни бутунлай йўқ қилиши мумкин. 2017 йил 1 июлдан бошлаб америка мармар қандаласи Евроосиё ҳамкорлик иттифоқининг ягона карантин объектлари рўйхатига киритилган. “Россельхознадзор” нинг маълумотига кўра 2018 йилда Россия малларанг мармар қандала таъсирида 2млрд. рубль зарар кўрган.

М.Алимов,
“Ўздавқарантин” инспекцияси,
Ўсимликлар карантини илмий
маркази
И.Боқиева,
ТошДАУ.
Ш.Нормуродов,
ЎХҚТИ

Ўқинг, огоҳ бўлинг

ДАНАКЛИ МЕВАЛИ БОҒЛАРНИНГ ХАВФЛИ КАРАНТИН ФИТОПЛАЗМА КАСАЛЛИГИ

Annotation. The plant quarantine service plays an important role in preventing the penetration of dangerous harmful organisms missing in our country and in ensuring a satisfactory phytosanitary condition when exporting and importing agricultural products. One of the most dangerous diseases of the almond and other drupaceous fruits is caused by phytoplasma *Ca Phytoplasma phoenicium*. Phytoplasma of the almond and other drupaceous fruits was announced in 1990-1995 in Lebanon and Iran. Therefore this disease is officially spread in these countries. This disease is absent in Uzbekistan; it is subject to external quarantine. As a result of the intoxication with this disease, damage to the yield loss of almond, peach, nectarine and apricot can reach up to 40-100%.

Аннотация. Служба карантина растений играет важную роль предотвращения проникновения отсутствующих в нашей стране опасных вредных организмов, и в обеспечении удовлетворительного фитосанитарного состояния при экспорте и импорте сельскохозяйственных продукции, одним из опасных болезней миндаля и других косточковых являются фитоплазма возбудителем которой является *Ca Phytoplasma phoenicium*. Фитоплазма миндаля и других косточковых выявлено в 1990-1995 годах в Ливане и Иране, по этому тока официально распространена в этих странах. Эта болезнь в Узбекистане отсутствует, и является объектом внешнего карантина. В результате заражения этой болезнью потеря миндаля, персика, нектарина и абрикоса могут достигать до 40-100%.

Калит сўзлар. Мевали боғлар, бодом, ўрик, шафтоли, карантин, касаллик, фитоплазма, зарарланиш, чора-тадбир.

Қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлардан кучли даражада зарарланганда ҳосилдорлик 40-50% йўқотилади. Ўсимликларнинг зарарли организмларини ўрганиш ва уларга қарши юқори самарали кураш воситаларини яратиш, шунингдек карантин касалликларни республикага кириб келиши ва тарқалиш хавфини олдини олиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бодомнинг фитоплазма касаллигини *Candidatus Phytoplasma phoenicium* номли фитоплазма патогени келтириб чиқаради. Фитоплазма касаллиги Ўзбекистонда, шунингдек Ўрта Осиё давлатларида ташқи карантин касаллик ҳисобланади. Дунёда янги ҳисобланган бу касаллик